

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ХАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2024 йил октябрь ойини куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференцаларида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси О.Набиев, хайъат судьялари З.Тўраев ва Ҳ.Ярашовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Аббасовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Б.Султонов, судланган А.В.нинг ҳимоячиси-адвокат Ж.Хаджиев ҳамда жабрланувчи Р.Д.нинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судининг 2024 йил 13 июндаги ҳукмига кўра, судланган

А.В. (А.В.),

яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланган А.В.нинг ҳимоячиси адвокат Ж.Хаджиев томонидан келтирилган кассация шикоятига асосан жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланган А.В.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 1 (йил) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.В. жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, ўзганинг мулкани қўлга киритиб моддий манфаат кўриш мақсадида, 2023 йил апрель ойида фуқаро Р.Д. билан ишқий муносабатларга киришиб, у билан биргаликда кучоқлашиб тушган фотосуратларини, “IPHONE X-10” русумли уяли телефон апаратининг хотирасида сақлаб келиб, 2023 йил октябрь ойида ўрталарида ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб, телефон апарати хотирасидаги шахсий фотосуратларини ғаразли ва паст ниятларда Р.Д.нинг бутунжаҳон ижтимоий тармоғининг “Telegram” мессенджери иловасидаги akkaунтига ташлаб бериб, ушбу фотосуратларини яқин қариндошларига тарқатиб шарманда қилмаслик эвазига ундан 1.000.000 сўм миқдордаги пул маблағларини беришга мажбур қиладиган ҳолатга солиб қўйиб, 2024 йил 25 март куни Бухоро шаҳри ҳудудида бўла туриб, ўзининг номига

АТ “ANORBANK” 9860 6004 1101 9380 рақамли тўлов картаси орқали 1.000.000 сўм пулларни товламачилик йўли билан қўлга киритишга эришган.

Бундан ташқари, А.В. ўзининг муносор қаракатларини давом эттириб, такроран жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, ўзганинг мулкини қўлга киритиб моддий манфаат кўради. А.В.нинг қарасидида, таниши Р.Д. билан муқаддам у билан ўзаро яқин муносабат бўлган ҳолатда тушган фотосуратларини “IPHONE X-10” русумли уяли телефон аппаратида сақлаб келаётганлигидан фойдаланиб, унга ушбу шахснинг фотосуратларини яқин қариндошларига тарқатмаслик эвазига 1.000.000 сўм миқдордаги пулларни товламачилик йўли билан талаб қилиб келган.

Ўз навбатида Р.Д. Самарқанд туман ИИБ бошлиғи номига И.С.Ашуровга нисбатан қонуний чора кўришликни сўраб қилган мурожаати юзасидан 2024 йил 28 март куни соат 17:30 ларда, Самарқанд тумани, “Ражаб Амин” маҳалласи ҳудудида туман ИИБ ТҚХ ЖҚБ ва ДХХ Самарқанд туман бўлими тезкор ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида, И.С.Ашуров ариза муаллифи Р.Д.дан талаб қилинган 1.000.000 сўм пулларни олган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинган.

Судланувчи А.В.нинг ҳимоячиси – адвокат Ж.Хаджиев томонидан келтирилган кассация шикоятда, суд А.В.га жазо тайинлашда унинг қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги, келтирилган зарарни баратараф этганлиги, бепарволик қилиб ўзи билмаган ҳолда ёшлиги, ҳаётий тажрибаси етмаганлиги ортидан жиноят содир этганлиги ҳақида важлар келтириб, А.В.ни жазодан озод қилиш сўралган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси Ҳ.Ярашовнинг маърузасини, прокурор Б.Султонов ва жабрланувчи Р.Д.нинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб, келтирилган шикоятни рад қилиш ҳақидаги, адвокат Ж.Хаджиевнинг келтирилган кассация шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, кассация шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланувчи А.В.нинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, унинг айби жабрланувчи М.Баҳодированинг аризаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, пул ўтказилганлиги ҳақидаги квитанция, пул маблағларини кўздан кечириб, уларни рақам ва серияларини ёзиб олиш, кимёвий ишлов бериш ва аризага тақдим қилиш ҳақидаги баённома, А.В.ни олиб келиш, шахсий тинтув қилиш ва ашёвий далилларни олиш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотожадвал ҳамда компакт диск, судга иод кимёвий экспертизасининг 2024 йил 3 апрелдаги 286-сонли хулосаси, нарсани кўздан кечириш ҳақидаги баённомалар ва уларга илова қилинган фотожадваллар, А.В.нинг “айбини бўйнига олиш тўғрисида арз”, тушунтириш хатлари ҳамда сўроқ қилиш баённомалари каби далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан А.В.нинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Жиноят иши дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг талабларига риоя қилинган ҳолда ҳамда Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандидаги “ЖПКнинг 11-моддасида мустақамланган ҳолатда қонунийлик принципига мувофиқ, ҳар бир жиноят иши бўйича иш юритиш жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилиши шарт”лиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда юритилиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни, шу жумладан судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда ишда мавжуд далиллар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиб, уларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилган.

Шикоятдаги, А.В.нинг қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги, келтирилган зарарни баратараф этганлиги, бепарволик қилиб ўзи билмаган ҳолда ёшлиги, ҳаётий тажрибаси етмаганлиги ортидан жиноят содир этганлиги ортидан жиноят содир этганлиги ҳақида важлар келтириб, А.В.ни жазодан озод қилиш ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Чунки, биринчи инстанция суди судланган А.В.га нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига, ЖКнинг 7-моддасидаги жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига, 8-моддасидаги жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги одиллик принципларига риоя қилган ҳолда унинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, ёшини, содир этган жиноий қилмишига иқроп эканлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарни қоплаганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси борлигини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унга қонун санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, асосли, адолатли ва қонуний тўхтамга келган.

Шу сабабли, биринчи инстанция суди томонидан судланган А.В.га нисбатан қонунда назарда тутилган енгил жазо тайинлаганлиги боис, судлов ҳайъати унга нисбатан тайинланган жазони янада енгиллаштириш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509⁹-моддасида, кассация инстанцияси суди жиноят ишлари бўйича қўриш натижаларига кўра, ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилиши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан қўриқилган ҳайъати, кассация шикоятидаги вазлар суд ҳукмини бекор қилиш ёки ўзгартиришга асос бўла олмаслиги сабабли суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган кассация протестини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 483, 509⁹ ва 509¹⁰-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судининг 2024 йил 13 июндаги судланган А.В. (А.В.)га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:	(и м з о)	Ҳ.Ярашов
Ҳайъат судьялари:	(и м з о)	О.Набиев
	(и м з о)	Т.Алмаматов

“Аслига тўғри”